

Бухоро шаҳар “Ягона дарча”  
марказининг “31” 05  
2018 йил 984228-сонли қарори  
билингдан давлат рўйхатига олинган



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
маҳсус таълим вазирлигининг 2018 йил  
«15 февраль» 168-сонли  
буйрги билан тасдиқланган

## **БУХОРО МУҲАНДИСЛИК - ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИНИНГ**

### **У С Т А В И**

**Бухоро 2018**

## I. Умумий қоидалар

1. Бухоро мұхандислик-технология институти (кейинги ўринларда институт деб аталады) 1977 йил 17 августда Тошкент Политехника институтининг Бухоро филиали негизида Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти номи билан ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли қарори асосида Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти негизида Бухоро юқори технологиялар мұхандислик-техника институти ташкил этилган.

Бухоро мұхандислик-технология институти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 апрелдаги “Бухоро мұхандислик-технология институтини ташкил қилиш тўғрисида”ги ПҚ-1954-сонли қарори асосида Бухоро юқори технологиялар мұхандислик-техника институти негизида қайта ташкил қилинган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг ташкилий тузилмасига киради.

2. Институт давлат олий таълим муассасаси ҳисобланаб, олий таълимнинг асосий ва қўшимча таълим дастурларини бажариш бўйича таълим фаолияти билан шуғулланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофиқ ўқув, илмий-методик ва бошқа фаолиятларни амалга оширади ҳамда таълим хизматларини кўрсатади.

3. Институт ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Кадрлар таёrlаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексига, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг норматив-хуқукий хужжатлари ва кўрсатмалари, шунингдек, институттининг ички тартиб ва одоб-аҳлоқ қоидалари, жамоа шартномаси ҳамда мазкур Уставга амал қиласди.

4. Институт юридик шахс ҳисобланади. Оператив бошқарувида ўзига хос маҳсус мол-мулкка эга ва ушбу мол-мулк бўйича ўз мажбуриятларига мувофиқ жавоб беради, ўз номидан мол-мулк сотиб олиши ва мулкий ҳамда номулкий хукуқларни амалга ошириш, зиммасига мажбурият олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Мустақил балансга, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа шу жумладан валюта бўйича ҳисоб ракамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган мухрга, штамплар ва бошқа реквизитларга эга.

**Институт жойлашган манзил:** индекс 200100, Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, К.Муртазоев кўчаси, 15-уй.

**Тўлов олувчининг реквизитлари:**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги

X/r 23402000300100001010

ИНН: 201122919; МФО: 00014

Марказий банк ХККМ Тошкент шаҳар ББ

Институт ш/хв № 100010860262877094100079001

**Институтнинг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги расмий тўлиқ (қисқа) номи:**

Бухоро мұҳандислик-технология институти (БухМТИ)

Бухарский инженерно-технологический институт (Бух ИТИ)

Bukhara Engineering - Technologies Institute (Bukhara ETI)

**II. Институтининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари**

**5. Институтнинг асосий мақсади** - енгил саноат, нефт-газ саноати, замонавий технологиялар ва ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлардан келиб чиқадиган стратегик вазифаларни рўёбга чиқара оладиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлашдан иборат.

**Асосий мақсаддан келиб чиққан холда қуйидагилар институтнинг бош вазифалари ҳисобланади:**

-республикада узлуксиз таълим тизими учун юқори малакали педагогик ва мутахассис кадрларни халқаро стандартлар даражасида сифатли тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

-тегишли педагогик йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш юзасидан таклифлар бериш, илмий-методик адабиётларни ишлаб чиқиш;

-илмий-педагогик ва ўқув-методик фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда педагог кадрларнинг ҳар томонлама етук, рақобатбардош мутахассислар бўлиб этишишларига мўлжалланган комплекс маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш;

-ўқув жараёнига замонавий педагогика, мультимедиа ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

-умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнини ташкил этиш;

-қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш, илмий-таълим жараёнига етакчи хорижий мутахассисларни жалб этиш мақсадида

хорижий педагогика олий таълим муассасалари ва илмий марказлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

-илмий-педагогик ходимлар ва таълим олувчиларнинг тадқиқотлари ва ижодий фаолиятлари орқали фанни тараққий эттириш, олинган натижалардан таълим жараёнида фойдаланиш;

-юридик ва жисмоний шахсларнинг буюртмаларига биноан шартномалар асосида илмий тадқиқот ишлари ва ишланмаларни бажариш;

-ўқув адабиётлар ва монографияларни тайёрлаш ва чоп этиш;

-ходимлар ва таълим олувчиларга аклий ва ижодий фаолият, спорт билан шуғулланиш ва дам олиш учун зарур шароитларни яратиш;

-институтнинг моддий-техник базасини ривожлантириш.

### **III. Ўқув-тарбиявий ва илмий-методик ишларнинг субъектлари, уларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари**

6. Институтга қонунчиликда белгиланган тартибда умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маълумотига эга бўлган шахслар аризаларига биноан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан тест синовлари натижаларига кўра тўпланган балларнинг рейтинг тизими бўйича амалга оширилади.

Институтга қабул барча учун (грант, тўлов-контракт бўйича) тенг хуқуқлийк, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга оширилиб, тест синовларида энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилиниш хукуки таъминланади. Қолган абитетуриентлар тест баллари рейтинги асосида белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида қабул қилиниш хукуқига эгадирлар. Қонунчиликка мувофиқ тест синовларисиз муайян имтиёз асосида ҳам ўқишга қабул қилиш кафолатланади.

Амалдаги қонунчиликга асосан хорижий фуқароларни ўқишга қабул қиласи.

Шунингдек институтга олий (иккинчи ва кейинги таълим) маълумотига эга бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида иккинчи ва ундан кейинга таълимни олиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ ўқишга қабул қилиниши мумкин.

Институт ректорининг буйруғи билан ўқишга қабул қилинган шахс институтнинг талабаси ҳисобланади. Талабага талабалик гувоҳномаси ҳамда рейтинг дафтарчаси бепул берилади.

## **7. Институтнинг талабалари қўйидаги ҳуқуқларга эга:**

-фан, техника, замонавий технологиялар ютуқларига мос келувчи билимлар олиш;

-институт ахборот ресурс марказида мавжуд бўлган китоблар, даврий нашрлар, электрон таълим воситаларидан белгиланган тартибда бепул фойдаланиш;

-бепул маслаҳатлар ва тавсиялар олиш;

-аудиториялар, таълим жараёнига оид воситалардан ўрнатилган тартибда бепул фойдаланиш;

-таълим жараёни самарадорлиги ва таълим сифатини ошириш юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини, танқидий фикрларини белгиланган тартибда таълим муассасаси, деканат ва кафедра раҳбариятига билдиришга ва уларни кўриб чиқилишини талаб қилиш;

-институт ва факультет миқёсида ўтказиладиган оммавий тадбирларда иштирок этиш;

-илмий тадқикот ишларида ва илмий конференцияларда қатнашишга ва уларнинг натижаларини нашр этишга ва бу ҳақда ахборотлар бериш;

-институт конуний равишда фаолият юритаётган жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиш ва улар ишида қатнашиш;

-ўқишдан ташқари вақтларда маънавий-маърифий, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва бошқа қонунчиликка зид бўлмаган жамоат ишларида иштирок этиш;

-ўқишдан бўш вақтларида олий таълим муассасасининг ўзида, шунингдек, бошқа жойларда ишлаш;

-сифатли ва юкори савияда билим олиши, танлаган ихтисослиги бўйича юкори малакали мутахассис бўлиб етишиш учун зарур бўлган конун хужжатларига зид бўлмаган бошқа ҳуқуклардан фойдаланиш.

Талаба ўз ҳуқуқларини сустеъмол қилмаслиги, бу ҳуқуқлардан ўзга шахслар манфаатига зид мақсадларда фойдаланмаслиги шарт.

8. Давлат грантлари бўйича ва тўлов-контракт асосида ўқитишининг ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолдаги шаклида таълим олаётган талабалар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган йўриқномада белгиланган тартиб ва миқдорда стипендия билан таъминланадилар.

Талабалар тегишли норматив-ҳуқуқий хужжатларга асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат стипендиялари ва институт ички номдор стипендияларини олиш ҳуқуқига эгадирлар.

9. Ҳарбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиши, шунингдек болаларни парвариш қилиш таътиллари даврида талабага

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган тартиб асосида академик таътил берилади.

10. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлариға мувофиқ кундузги ўқув шаклида таълим олаётган талабаларга олий таълим муассасасида ўқиётган вақти давомида ҳарбий хизматга чақириш муддатини кечиктириш имкони берилади.

11. Институтнинг Талабалар турар жойи сифимидан келиб чиқсан ҳолда мухтож талабалар, институт талабалар турар жойларидан санитария меъёрлари ва қоидалариға жавоб берадиган жой билан таъминланади. Талабалар турар жойи учун тўлов талабалар турар жойларида коммунал-маший хизматлар учун тўловларни инобатга олиб, институт кенгаши томонидан белгиланади.

Турар жойга мухтож талабалар мавжуд бўлган ҳолда, олий таълим муассасасининг талабалар турар жойлари майдонидан бошқа мақсадларга фойдаланиш (ижарага бериш, бошқа келишувлар)га руҳсат этилмайди.

12. Институтдан ўз ҳоҳиши ёки узрли сабабларга кўра четлаштирилган талаба Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ва қоидалари асосида қайта ўқишга тикланиш хукуқига эга.

Институтнинг талабалари белгиланган тартиб ва қоидалар асосида бошқа олий таълим муассасалариға ўқишлирини кўчириш (ўқишга қайта тикланиш) хукуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси худудида таълим фаолиятини олиб бориш учун лицензияга эга бўлмаган нодавлат олий таълим муассасалари ва бошқа мамлакатлар олий таълим муассасаларининг филиаллари (марказлар, бўлимлар, ўқув-маслаҳат пунктлари ва бошқалар)дан талабаларни институтга ўқишини кўчириш (ўқишга тиклаш) тақиқланади.

Талабалар ўқишини бир олий таълим муассасасидан бошқасига кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ва қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

13. Институт талабалари олий таълимнинг давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув дастурлари ва режаларида назарда тутилган билимларни эгаллашлари, топшириқларнинг барча турларини белгиланган муддатда бажаришлари зарур ҳамда институтнинг уставига, ички тартиб қоидалари, одоб-ахлоқ қоидалари ва талабалар турар жойлари қоидалариға риоя этишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Хукумати қарорларида назарда тутилган холлардан ташқари, талабаларни ўқиш вақти ҳисобидан таълим жараёни

билингвистик бўлмаган ишларга жалб этиш ман этилади.

14. Талабага нисбатан ректорнинг буйруғи асосида қўйидаги ҳолларда талабалар сафидан четлашиб интизомий жазо чораси кўрилади.

15. Талаба олий таълим муассасасидан қўйидаги ҳолларда четлашибилиши мумкин:

а) ўз ҳохишига биноан;

б) ўқишнинг бошқа таълим муссасасига кўчирилиши муносабати билан;

в) саломатлиги туфайли (тиббий комиссияси маълумотномаси асосида);

г) ўкув интизомини ва олий таълим муассасасининг ички тартиб-коидаларини бузганлиги учун;

д) бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ колдирганлиги сабабли;

е) ўқиш учун белгиланган тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли (тўлов-контракт бўйича таҳсил олаётганлар учун);

ж) талаба суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;

з) вафот этганлиги сабабли.

Белгиланган муддатларда фанларни узлашиб олмаган (академик карздор булган) талаба институт ректорининг буйруғи билан курсдан курсга колдирилади.

Институт маъмурияти ташаббуси билан ("е") кичик бандларига кўра талабаларни ўқишдан четлашибилиш талабалар касаба уюшмасининг ёзма розилигини инобатга олган ҳолда (касаба уюшмаси аъзоси бўлган талабалар учун) амалга оширилади. Шунингдек, талаба мазкур Қоидаларнинг 14-банди "Г" кичик бандига кўра четлашибираётган ҳолда, таълим муассасасининг "Ёшлар иттифоқи" бошланғич ташкилоти билан ҳам келишилиши мумкин.

Интизомий жазога тортилаётган талаба ўзига қўлланилган жазо чорасининг қонунийлиги ва адолатлилиги юзасидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда шикоят билан мурожаат этиши мумкин.

Талабага нисбатан қўлланилган интизомий жазо юзасидан маълумот унинг шахсий йигма жилдida сақланади.

Талаба институтдан четлашибилилганда, унга шахсий хужжатлари, белгиланган шаклдаги академик маълумотнома топширилади ва уларнинг нусхаси шахсий йигма жилдда сақланади.

Интизомий жазо чоралар талабаларнинг касаллик ёки таътилда бўлган вакти ҳисобга олинмаган ҳолда ҳатти-ҳаракат аниқлангандан сўнг бир ойдан ва ҳатти-ҳаракат содир этилганидан сўнг олти ойдан кечикирилмай қўлланилади. Талабалар касаллик пайтида, академик таътил ёки ҳомиладорлик ва туғиши ҳолати билан боғлиқ бўлган таътил пайтларда

талабаларга интизомий жазо чораларини кўриш маън этилади.

Талаба касал бўлганлиги ўзи ёки унинг ота-онаси томонидан ёзма ариза билан бевосита деканатга, одатда, бир ҳафтадан кечиктирилмасдан маълум килинади ва тиббий маълумотнома аслини такдим этади.

**б) Тингловчилар:**

16. Институт хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказида ўкиётган шахслар тингловчилар ҳисобланади.

Институт хузуридаги Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказида, ушбу марказнинг Уставига мувофиқ конунчиликда белгиланган тартибда хизматлар кўрсатилиши мумкин.

Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартиби, тингловчиларни ўқитиш шартлари ва хуқуклари қонун хужжатларига мувофиқ тегишли норматив-хукуқий хужжатлар билан белгиланади.

**в) Таянч докторант, докторант ва мустақил изланувчилар:**

17. Институтнинг таянч докторантлари, докторантлари ва мустақил изланувчилари бўлиб, муайян йўналиш бўйича илмий тадқиқот олиб бораётган фалсафа доктори (PhD) вафан доктори (Doctor of Science) илмий даражасини олиш учун диссертация тайёрлаётган шахслар ҳисобланади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълимни ташкил этиш буйича Таянч докторантураласафа доктори (PhD), докторантура фан доктори (Doctor of Science) ва Мустақил изланувчи сифатида давом эттириш амалдаги конунчиликдаги хужжатлар асосида амалга оширилади.

**г) Институтнинг профессор-ўқитувчилари таркиби, ўқув-ёрдамчи ва маъмурий-хўжалик ходимлари (персонали)**

18. Институтда профессор-ўқитувчилар таркиби, илмий ходимлар, мухандис-техник, маъмурий-хўжалик, ишлаб чиқариш, ўқув-ёрдамчи ва бошқа ишчи-хизматчилар лавозимлари мавжуд.

Профессор-ўқитувчилар таркибига кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, асистент ва ўқитувчи-стажёр лавозимлари киради (ўқитувчи-стажёр лавозими ЎзР ВМнинг 2008 йил 1 августдаги “Республика олий таълим муассассалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 164-сон қарорига асосан киритилган).

19. Профессор-ўқитувчилар лавозимларига ишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сонли қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассассаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ танлов асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 мартағи Ф-137-сонли фармойишига мувоғиқ олий таълим муассасасининг проректори ректор тавсиясига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти девони билан келишилган ҳолда тайинланади. Факультет декани Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири билан келишилган ҳолда институт ректорининг буйруғи билан тайинланади.

**20. Институтнинг профессор-ўқитувчилар таркиби ва илмий ходимлари қўйидаги ҳукуқларга эга:**

-белгиланган тартибда олий таълим муассасаси ва факультет Кенгашларига сайлаш ва сайланиш;

-институтнинг фаолиятига тааллуқли масалаларни мухокама қилишда иштирок этиш;

-институтнинг ахборот-ресурс маркази, ўкув ва илмий бўлинмаларнинг хизматларидан, шунингдек, ижтимоий-маиший, тиббий ва бошқа бўлимлар хизматидан фойдаланиш;

-ўқитишининг услуг ва воситаларини танлаш, ўкув ва илмий жараённинг юкори сифатини таъминловчи илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш;

-институт маъмуриятининг буйруқ ва фармойишлари юзасидан конунчиликда белгиланган тартибда мурожаат қилиш;

-конунчиликда белгиланган тартибда танловларда қатнашиш, лавозимларни эгаллаш;

-ўзлари ишлаётган кафедра, факультетдан ташқари бошқа факультет, кафедра, ташкилотларда ўриндошлик асосида ишлаш (асосий иш жойи билан келишилган ҳолда);

-хорижий ҳамкасларнинг соҳага доир илмий ва ўкув-услубий адабиётлари билан танишиш ва улар билан фикр алмашиш;

-ўз фани бўйича сифатли дарсликлар ва ўкув қўлланмалар тайёрлаш;

-назарий билимларини амалий тажрибасини, илмий тадқиқот олиб бориш услубини, педагогик маҳоратини такомиллаштириб бориш;

-талабаларнинг илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

-грантлар, илмий лойиҳалар, хўжалик шартномаларида иштирок этиш хамда таълим соҳасига оид қонунчилигида белгиланган бошқа ҳукуқлардан фойдаланиш.

**21. Институтнинг профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимларининг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:**

-таълим тўғрисидаги қонунчилик, меҳнат интизоми, институт Устави ва Ички тартиб, меҳнатни муҳофаза қилиш хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир коидаларига қатъий риоя қилиш, хизмат

вазифаларини вижданан бажариш ва ўқитувчилик шаънига доғ туширмаслик;

-муассаса ходимлари, талабалари ва бошқа шахслар билан хушфеъл муносабатда бўлиш;

-иш берувчининг қонуний фармойишларини, ҳар йили тасдиқланадиган шахсий режа асосида ўкув-услубий, илмий ва маънавий- маърифий ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, хусусан:

а) ўкув юкламалари ҳажмини, ўкув-услубий, илмий ўкув-ташкилий ишларни тасдиқланган шахсий режа асосида бажариш ва маънавий- маърифий ишларда иштирок этиш;

б) дарслик, ўкув кўлланма тайёрлаш, ўкув адабиётлар, илмий мақолалар, монографиялар ёзиш;

в) тарбиявий ишларни олиб бориш, талабалар билан маънавий-маърифий ишларда бевосита иштирок этиш, шу жумладан дарсдан ташқари вақтларда ўtkaziladigan tadbirlardan;

д) Кенгаш томонидан тасдиқланган кафедра илмий мавзуларида иштирок этиш;

е) ўз малакасини мунтазам равишда ошириш.

-академик лицей ва касб-хунар коллажлари учун ҳамкорликда янги авлод ўкув адабиётлари, ўкув-услубий мажмуалар яратишда иштирок этиш;

-академик лицей ва касб-хунар коллажларида очиқ ва муаммоли машғулотлар ҳамда “мастер класс”лар ўтказиш;

-ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими муассасаларида ўtказiladigan maъnaviy-maъrifiy tadbirlariida i shtirok etish;

-ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими муассасаларида замонавий ахборот-коммуникация ҳамда педагогик технологиялар асосида таълим сифатини оширишга кўмаклашиш;

-институтнинг мол-мулкини авайлаш, ундан оқилона фойдаланиш;

-иш берувчига бевосита етказилган хақиқий моддий зарарни қоплаш;

-институт жамоатчилик ишларида қатнашиш;

-замонавий цивилизация ва демократия шароитида таълим олувчиларнинг танлаган йўналиши (мутахассислиги) бўйича юксак касбий тайёргарликни, меҳнатга бўлган қобилиятни шакллантириш;

-чет тили ва ахборот технологияларидан саводхонлигини ошириб бориш;

-таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ташаббускорлик, ижодий қобилиятни шакллантириш;

-ўзининг одоби, маданияти, маънавий савияси билан ўrnak bўliш;

-қийиниш маданиятига риоя этиш;

-республикада амалга оширилаётган ислоҳотлар ва жаҳонда рўй берадиган янгиликлардан хабардор бўлиш;

-институт, факультет, кафедра томонидан ташкил этиладиган маданий, маънавий, маърифий тадбирларда фаол иштирок этиш;

-ўзи ўқитадиган фан дастурини муентазам фан ва техника ютуқлари асосида бойитиб бориш;

-янги педагогик технологияларни қўллаб дарсларни юқори савияда ўтиш;

-фан йўналишига тегишли янги манбаларни топиш ва улар билан талабаларни таништириб бориш;

-ҳар ўкув йили бошлангунга қадар ўзи ўқитадиган фан(лар)нинг ишчи ўкув дастури, календарь режаси ва рейтинг назоратлари жадвалини ишлаб чиқиш ва кафедра мажлисида тасдиқлаш;

-талабалар билимини уз вактида холисона баҳолаш;

-илмий салоҳият ва педагогик маҳоратини ошириш;

-талабалар илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

-олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол қатнашиш.

22. Институт профессор-ўқитувчи ходимларининг чет эл хизмат сафарлари амалдаги конунчилликга асосланган холда амалга оширилади.

23. Институтнинг профессор-ўқитувчилари таркиби уч йилда камида бир маротаба малакасини ошириш кафолатини таъминлайди.

24. Институтнинг маъмурий-хўжалик, муҳандислик-техника, ўкув-ёрдамчи ва бошқа хизмат ходимларининг хуқуқ ва мажбуриятлари институтнинг Устави, Ички тартиб ва одоб-аҳлоқ қоидалари ҳамда лавозим йўриқномалари билан белгиланади.

#### **IV. Ўкув-тарбиявий ва илмий-методик ишлар**

**Олий таълим** (бакалавриат ва магистратура):

25. Институтда таълимнинг асосий таълим дастурлари икки босқичда амалга оширади: бакалавриат ва магистратура.

Бакалавриат- таълим йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билимлар берувчи, ўқиш муддати 4 йилдан кам бўлмаган таянч олий таълимдир.

Бакалавр дастурини тугатган битирувчиларга давлат аттестацияси якунлари бўйича таълим йўналиши бўйича «бакалавр» даражаси берилади ҳамда давлат намунасидаги диплом топширилади.

Магистратура-йўналишнинг муайян мутахассислиги бўйича фундаментал ва амалий билимлар берувчи, бакалавриат негизида, ўқиш

муддати 2 йилдан кам бўлмаган олий таълимдир.

Магистр дастурини тугатган битиравчиларга давлат аттестацияси якунлари бўйича тайёрланган муайян мутахассислик бўйича «магистр» даражаси берилади ва давлат намунасидаги диплом топширилади.

Бакалавр ва магистрлик давлат намунасидаги диплом унинг эгаларига касбий фаолият билан шуғулланиш ёки танланган таълим йўналишига ва мутахассислигига мувофиқ таълим муассасаларининг навбатдаги босқичларида ўқишини давом эттириш хуқуқини беради.

Олий таълимнинг турли босқичида асосий таълим дастурлари бўйича дастлабки таълим олиш, иккинчи олий таълим олиш сифатида қаралмайди.

26. Институтда таълим жараёнини ташкил этиш, таянч олий таълим муассасаси томонидан ишлаб чиқиладиган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган Малака талаблари, ўкув режалари ва фанларнинг дастурлари, институт ректори (ўкув ишлари бўйича проректор) томонидан тасдиқланган йиллик календарь ўкув жадвали ҳамда машғулотлар жадвали билан тартибга солинади.

Институт ректори таълим жараёнини мақсадли йўналтириш оркали ташкил этиш, яъни таълим шакллари, услугуб ва воситаларни танлаш йўли билан институт талабаларига олий таълимнинг асосий касбий таълим дастурларини ўзлаштириш учун зарурий шароитларини яратиб берилиши лозим.

Институтнинг ижтимоий - иқтисодий ва гуманитар фанлари кафедралари, маънавий-маърифий ва спорт бўлимларига, талабалар ва бошқа жамоатчилик ташкилотларига, раҳбарлик қилиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш маънавий-маърифий ишлари бўйича проректор томонидан амалга оширилади.

27. Институтда ўкув машғулотларининг қуйидаги асосий турлари белгиланган: маъруза, консультация, семинар, амалий машғулот, лаборатория иши, назорат иши, коллоквиум, мустақил иш, амалиёт, курс лойиҳаси (курс иши), бакалаврлик битирав малакавий иши ҳамда магистрлик диссертацияси.

Аудитория машғулотларининг барча турлари учун 80 дақиқалик танаффусиз маъруза (ёки 1 жуфтлик академик соат) белгиланган. Ўкув машғулотлари орасидаги танаффус камида 10 дақиқа бўлади.

Таълим ва тарбия олиб бориладиган тиллар: ўзбек ҳамда рус тиллари хисобланади(айрим ҳолларда инглиз тилида).

28. Институтда кадрлар тайёрлаш ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда олиб борилади.

Олий таълимнинг асосий касбий таълим дастури доирасида таълим

олишнинг барча шакллари учун ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва “Ўзстандарт” агентлигига давлат рўйхатидан ўтказилган давлат таълим стандарти қўлланилади.

29. Институтда ўкув йили икки семестрга бўлинади.

Ўзлаштирувчи талабаларни курсдан курсга ўтказиш факультет деканининг тавсиясига биноан ректор буйруғи билан амалга оширилади. Талабаларни курсдан курсга шартли ўтказиш мумкин эмас.

Олий таълимнинг таълим дастурларини ўзлаштириш, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтказилган “Олий таълим муассасалари талабалари билимини назорат килиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низом”га мувофик тартибга солинади, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низом”га асосан битирувчиларнинг якуний аттестацияси ўтказилади.

30. Институтда илғор педагогик ва ахборот технологиялари, таълимни индивидуаллаштириш ва мустақил таълим олиш воситаларини, модул тизими ҳамда масофавий таълим беришни қўллаш ҳисобига мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга йўналтирилган илмий-услубий ишлар амалга оширилади.

**31. Олий таълимдан кейинги таълим** (таянч докторантурা (PhD), докторантурा (Doctor of Science), мустақил изланувчилик):

Институтда олий ўкув юритидан кейинги таълим олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий ўкув юритидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 304-сон қарорини инобатга олган ҳолда, 2012 йил 28 декабрдаги «Олий ўкув юритидан кейинги таълим ҳамда олий малакали ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 365-сонли қарори билан тасдиқланган меъёрий-хуқукий хужжатлар асосида амалга оширилади.

32. Институт кенгашининг тематик режалари бўйича, бажариладиган ишларнинг сифати ҳамда меҳнат хавфсизлигини таъминлаган ҳолда талабалар ва докторантларни кенг жалб этиб, илмий-тадқиқот ва ижодий ишларни олиб боради.

Илмий тадқиқотлар қуйидаги маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади:

-фан, техника ва маданиятнинг муҳим йўналишлари бўйича фундаментал, амалий ҳамда инновацион тадқиқотларни бажариш учун ажратиладиган давлат бюджети маблағлари;

-шартнома асосида соҳавий вазирликлар, идоралар, корхоналар,

бирашмалар ва бошқалар, шу жумладан хорижий ташкилотлар маблағлари.

## **V. Институтнинг таркиби**

33. Институт мустакил равишда таркибий тузилмасини шакллантиради.

-Институт бажариладиган ишларнинг ҳажми ва шакллари асосида ходимларни руйхатини мустакил равишда белгилайди, ходимлар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва тугатиш, иш бўйича мажбуриятларни тақсимлайди.

-Институтнинг таркибida турли таркибий бирликлар бўлиши мумкин, улар таълим, илмий ва бошқа фаолиятни амалга оширади (филиаллар, ваколатхоналар, бўлимлар, факультетлар, илмий тадқиқотлар маркази, конструкторлик бюролари, тайёргарлик курслари, инновацион-технологик, ўкув-методик бўлимлар, илмий ускуналар лабораториялари, ўкув ва амалий машғулотлари устахоналари, ўкув ва тажриба машғулотлари лабораториялари, ўкув майдончалари, ўкув-илмий амалиёт учун илмий асосли базалар, ўкув ва намойиш марказлари, ахборот ресурс марказлари, ахборот технология марказлари, музейлар, босмахона, спорт клублари, спорт ва соғлиқни сақлаш марказлари, ётоқхоналар, психологик ва ижтимоий педагогик хизматлар, уларга эҳтиёжи бўлганларни адаптация ва реабилатация килиш марказлари, боғ ва маҳаллий норматив хужжатларда назарда тутилган бошқа таркибий бўлинмалар).

-Институт таркибий бўлимлари юридик шахс эмас.

-Институт таркибий бўлимларнинг ҳуқуқий мақоми, функциялари ва ваколатлари ушбу Уставда келтирилган тартибда тасдиқланган қоидалар билан белгиланади.

34. Институтнинг таркибиغا қуидагилар киради:

### **Факультетлар:**

1. Кимёвий ва озик овқат технологияси;
2. Нефт-газкимё саноати технологияси;
3. Енгил саноат;
4. Электротехника ва ишлаб чиқаришда ахборот коммуникация технологиялари;
5. Муҳандислик-курилиш.

### **Кафедралар:**

1. Кимёвий технология;
2. Озиқ-овқат технологияси ва саноат экологияси;
3. Касбий таълим;
4. Нефт-газкимё саноати технологияси;

5. Менежмент;
6. Енгил саноат технологиялари ва жиҳозлари;
7. Тўқимачилик;
8. Технологиялар ва жиҳозлар;
9. Механика;
10. Машинасозлик технологияси;
11. Архитектура ва қурилиш;
12. Электроэнергетика
13. Технологик жараёнларни бошқаришнинг ахборот коммуникация тизимлари;
14. Ахборот коммуникация технологиялари.
15. Ижтимоий фанлар;
16. Табиий фанлар;
17. Тиллар;
18. Жисмоний маданият;
19. Олий математика;
20. Инглиз тили;
21. Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси.

**Маъмурий бошқарув, хизмат бўлимлари:**

- 1) Мониторинг ва ички назорат бўлими;
- 2) “Маънавият ва маърифат” ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими;
- 3) Таълим сифатини назорат қилиш бўлими;
- 4) Ўқув - услубий бошқарма;
- 5) Маркетинг бўлими;
- 6) Илмий тадқиқот ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими;
- 7) Ахборот технологиялар маркази;
- 8) Режа - молия бўлими;
- 9) Бухгалтерия;
- 10) Ходимлар бўлими;
- 11) 1-2-бўлимлар;
- 12) Фуқаро ва меҳнат муҳофазаси бўлими;
- 13) Техник фойдаланиш ва хўжалик бўлими;
- 14) Халқаро бўлим;
- 15) Ўқитишнинг техник воситалари бўлими;
- 16) Ахборот ресурс маркази;
- 17) Девонхона ва архив;
- 18) Академик лицей ва касб-хунар колледжлари билан ишлаш бўлими;

- 19) Магистратура;
- 20) Тахрий нашриёт бўлими;
- 21) Катта юрисконсульт.

**Институт қошида:**

- Жамоат ташкилотлари –хотин-кизлар кўмитаси, мураббийлар кенгаши, ота-оналар кенгаши ва бошкалар.
- Маъмурий бошқарув ва хизмат қўрсатувчи бўлимлар, марказлар ўз фаолиятларини тегишли Низомлар ва қоидалар асосида амалга оширадилар.
- Компьютерлашган тизимлар орқали машина ва жиҳозларнинг технологик жараёнларини бошқариш илмий лаборатория.
- Машина ва жиҳозларни лойиҳалаш бўйича илмий лаборатория.
- 1 та академик лицей фаолият қўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3290-сон қарори асосида Бухоро мухандислик технология институти қошидаги 1-сон академик лицей ташкил этилган.

Академик лицейлар мустакил юридик шахс ҳисобланиб, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Қарорлари ва Фармойишлари ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатларга мувофиқ ҳамда ўз Устави асосида амалга оширади.

Таълим сифатини назорат қилиш бўлими.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 18 июлдаги 515-сон қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2017 йил 24 июлдаги 497 сонли буйруғи асосида “Таълим сифатини назорат қилиш” бўлими институт талабалари билимларининг давлат таълим стандартларига мувофиқлигини ўрганиб бориши, таҳлил қилиши, кадрлар тайёрлаш сифати мониторингини юритиши, натижалар ҳамда таълим сифатига таъсир этган омиллар тўғрисидаги маълумотларни институт ректорига ҳамда Давлат инспекциясига тақдим этиб бориши учун ташкил этилди.

## **VI. Институтни бошқариш**

35. Институтни бошқариш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда ушбу Уставга мувофиқ ректор томонидан якка раҳбарлик ва институт кенгаши, Васийлар кенгаши орқали жамоатчилик бошқарувини уйғунлаштириш тамойили асосида амалга оширилади.

36. Институтни бевосита бошқариш Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 1992 йил 9 мартағи 137-сонли фармойишида белгиланган тартиб асосида тайинланадиган ректор томонидан олиб борилади.

Ректор институт фаолиятига, шунингдек, Олий таълим тўғрисидаги Низом, институтнинг Ички тартиб қоидалари ҳамда мазкур Уставда белгиланган мажбуриятлар учун тўла масъулдир.

Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофиқ ўкув, илмий ва бошка норматив хужжатларни амалга оширишда, инновацион, маъмурий, молиявий-иктисодий, инвестицион фаолиятларни амалга ошириш, норматив-меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда ҳар бир талаба, жамият ва давлат олдида ўз фаолияти учун маъсулдир.

Ректор Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ институт номидан иш олиб боради, барча идоралар, муассасалар, корхоналарда унинг вакили сифатида қатнашади, институтнинг мол-мулкига масъуллик қиласи, шартномалар тузади, ишончномалар беради, банк муассасаларида институтнинг ҳисоб рақамларини очади, молиявий маблағлардан ўрнатилган тартибда фойдаланиш бўйича фармойишлар беради.

**Ректор институтнинг ваколати доирасида:**

- институтнинг барча ходимлари, талабалари ва бошқа таълим олаётганлар учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва топшириқлар беради;
- бўйсунувчи вазирлик (идора) билан келишилган ҳолда факультет деканлари ва бош бухгалтери ва бош бухгалтер ўринbosари-аудиторни лавозимига тайинлайди ҳамда лавозимидан озод қиласи;
- институт проректорлари лавозимига номзодларни тавсия этади ва проректорлар, деканларнинг муайян вазифалари ҳамда масъулияtlарини белгилайди;
- институт ходимлари ва хизматчиларини, шунингдек илмий-педагогик ходимларни Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ишга олиш ва бўшатишни амалга оширади;
- институт таркибиға кирган илмий тадқиқот, тажриба-экспериментал ҳамда бошқа ташкилот ва бўлинмаларнинг вазифаларини белгилайди ва улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлади;
- институт ходимларининг лавозим маошларига ҳар ойлик устамалар ва қўшимчаларни белгилайди;
- касаба уюшма қўмитаси ёки институтнинг бошқа ваколатли органи билан келишган ҳолда институтнинг Ички тартиб қоидаларини тасдиқлади;

- институтнинг амалдаги қонун хужжатлари ёки Вазирликнинг норматив-хукуқий хужжатлари бузилган ҳолда чиқарилган буйруқларини бекор килади;

- институтда Намунавий штат бирликларига мувофиқ ажратилган маблағлар ҳамда иш ҳаки фонди, тасдиқланган институт ходимларининг сони ва лавозим маошлари, тариф сеткаси доирасида институт профессор-ўқитувчилари таркиби ва институт ходимларининг штат бирлигини тасдиклайди ҳамда лавозим маошларини белгилайди;

- институт Кенгашининг тавсиясига кўра ўрнатилган тартибда тегишли норматив-хукуқий хужжатларга мувофиқ факультетларни, кафедраларни очиш ёки ёпиш қарорларини тасдиклайди.

“Олий таълим муассасасининг кафедраси тўғрисидаги Низом” талабларидан келиб чиқсан ҳолда институт Кенгашининг тавсиясига кўра кафедралар ташкил этилади ёки тугатилади.

Институт ректорига ўзи ишлаётган институтда ва ундан ташқарида ҳак тўланадиган бошқа раҳбарлик лавозимида (илмий ва илмий-методик раҳбарликдан ташқари) ўриндошлиқ бўйича ишлашга рухсат этилмайди. Ректор ўз вазифаларини ўриндошлиқ бўйича бажариши мумкин эмас.

37. “Олий таълим тўғрисидаги Низом”га мувофиқ институтида институт фаолиятининг асосий масалаларини кўриш учун **Кенгаш ташкил этилади**.

Кенгаш таркибига ректор, проректорлар, факультетлар деканлари ҳамда мутахассислар тайёрловчи кафедралар мудирлари, шунингдек, талабалар ва олий таълим муассасаси ходимлари касаба уюшмаси кенгаши вакиллари киради. Ректор институт кенгаши раиси ҳисобланади. Кенгашнинг бошқа аъзолари умумий мажлисда (конференцияда) яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Профессор-ўқитувчилар таркибидан Кенгашга сайланадиганлар сони ректор буйруғи билан белгиланади.

Институт Кенгаши институтнинг умумий раҳбарлигини амалга оширадиган коллегиал орган ҳисобланади. Институт Кенгаши аъзоларининг сони институт ходимлари ва талабалари сонига нисбатан белгиланади.

-институт Кенгаши институтнинг бошқарув органлари ва бўлимлари таклифларини инобатга олган ҳолда иш режасини тузади.

-институт Кенгашининг қарори, йиғилишида иштирок этадиган кўпчилик аъзолар томонидан маъқулланган бўлса, камида 50 фоизини ташкил этса, республика қонунчилигига бошқа тартиб белгиланмаган бўлса, йиғилишда қарор қабул қилинган деб ҳисобланади.

-институт Кенгашининг котиби институт ректори буйруғи билан тайинланади.

-институтнинг Кенгаш котиби институтнинг Кенгаши йиғилишига

тайёргарликни ташкил этади, унинг қарорларини бажаралишини назорат килади ва институт Кенгаши ва институт таркибий бўлимларининг ваколатлари асосида ўзаро муносабатларини мувофиқлаштиради.

-институт Кенгаши йиғилишининг тавсиясига кўра ўрнатилган тартибда тегишли норматив-хуқукий хужжатларга мувофиқ факультетларни, кафедраларни очиш ёки ёпиш қарорларини тасдиқлади.

“Олий таълим муассасасининг кафедралари тўғрисида”ги низом асосида талабларидан келиб чиккан ҳолда институт Кенгашининг тавсиясига кўра кафедралар ташкил этилади ёки тугатилади.

### **38. Институт Кенгашининг ваколатлари:**

-конференцияларни ташкил этиш, шунингдек унинг ўтказилиши билан боғлиқ бошка масалаларни ҳал қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

-институтни ривожлантиришни асосий истиқболли йўналишларини шу жумладан унинг таълим ва илмий фаолиятини белгилаш;

-ўкув жараёнини ташкил этишнинг асосий масалалари, шу жумладан талабаларни қабул қилиш коидаларини белгилаш, ўкув режасини тузиш, талабаларни ўқитишининг амалдаги тартибини тартибга солиш, якуний назоратлар бўйича талабаларни ўзлаштириши натижаларини кўриб чиқиш;

-молиявий-хўжалик фаолиятини режасини ва институтни ривожлантириш дастурини кўриб чиқиш;

-институт ректорининг йиллик ҳисботларини тинглаш;

-таълим масалалари, илмий-тадқиқот масалалари бўйича ахборот таҳлилий, молиявий-иктисодий фаолиятини ва шунингдек институтнинг ҳалқаро ҳамкорлик масалалари бўйича қарорларини қабул қилиш;

-институт Кенгашининг иш режасини тасдиқлаш;

-институт педагог ходимлардан номзодларни илмий унвонлар олишга тавсия қилиш;

-институтнинг фаолиятини амалга оширувчи таркибий бўлимларни тузиш ва тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш (илмий, илмий-тадқиқот ва илмий-техник лаборатория фаолиятини амалга ошириш, илмий-техник фаолиятини амалга оширувчи бошка ташкилотларнинг таълим фаолиятини амалга оширувчи бўлимлар ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида);

-институтнинг факультет, кафедра ва бошка таркибий бўлимлари тўғрисидаги Низомларни тегишли таълим дастурига мувофиқ тасдиқлаш;

-институт педагогик ходимларини Кенгашда танлов бўйича ўтказиш;

-институт ходимларини Давлат мукофотларига тавсия бериш;

-институт Кенгаши томонидан тасдиқланган қоидалар асосида фахрий унвонлар бериш;

-институтда талабалар учун стипендия масалаларини тартибга солувчи

коидаларни тасдиклаш;

-Давлат ва номдор стипендияларига талабалар номзодларини тавсия қилиш.

39. Институтда Васийлар кенгаши институтни бошқарувчи жамоатчилик органи ташкил этилади ва унинг таркибига муассасалар, вазирликлар, маҳаллий ҳокимият, ишбилармон доиралар, жамоатчилик ташкилотлари, жамғарма ва васийлар ҳамда бошқа таълим муассасаларининг вакиллари киради.

Васийлар кенгашининг ваколатлари, шакллантириш таркиби ва фаолияти “Васийлар кенгаши тўғрисида”ги Низом билан белгиланади. Васийлик кенгаши институт ректори вазифасини бажарадиган муддатга тайинланади.

40. Институтда касаба уюшмаси ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари фаолият кўрсатади.

Профессор-ўқитувчилар ва ходимларнинг хуқуқий манфаатларини химоялашни касаба уюшмаси марказий кенгаши ҳамда уларнинг институтда сайланган вакили амалдаги қонунчилик асосида ўз иш фаолиятини олиб боради.

#### 41. Институтнинг мажбуриятлари:

-институт муваффақиятли фаолият юритишига, меҳнат маданияти ва интизоми қўтарилишига эришиш, ишловчиларнинг касб маҳоратини юксалтириш, тариф ставкаларини амалдагиларига нисбатан пасайишига йўл қўймаслик;

-ишлаб чиқариш дастурини бажариш учун меҳнат жамоасини моддий-техник ресурслар ва молиявий маблағлар билан ўз вақтида таъминлаб бориш;

-меҳнат унумдорлигини юксалтириш, илғор тажрибани ўзлаштириш, фан ва техника ютуқларини амалиётга жорий этиш учун барча шартшароитларни яратиш;

-ишлаб чиқариш дастурининг бажарилиши, институтнинг молиявий аҳволи ва олинган фойданинг ишлатилиши ҳақида меҳнат жамоасини мунтазам хабардор килиб бориш;

-институтнинг ўзида, ходимлар учун касбий тайёргарлик, бошқа касбга ўргатиш, малака ошириш ишларини олиб бориш;

-жамоа шартномасини тузишга, унинг бажарилиши устидан назоратни йўлга қўйишга, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида, бошқа қонунларида, институтнинг таъсис ҳужжатларида, жамоа келишувларида ҳамда жамоа шартномасида назарда тутилган бошқа масалаларга оид маълумотларни Касаба уюшма қўмитасига тақдим этиб бориш;

-белгилаб қўйилган меҳнат тартиби доирасида касаба қўмитаси билан ҳамкорлик килиш, ўзаро таклифлар ва талабларни ўз вақтида қўриб чикиш, меҳнат баҳсларини музокара йўли билан ҳал этиш.

Амалдаги низомларга мувофиқ институтда илмий-услубий, илмий-техник кенгашлар ва комиссиялар, ёш олимлар кенгаши ва бошқалар ташкил этилиши мумкин. Ректорат ва Кенгаш ўз фаолиятида институт жамоат ташкилотларининг тавсияларини қўриб чиқади ва ўз фаолиятларида уларни хисобга олади.

42. Институтнинг факультет деканлари ректор тавсиясига кўра Вазирлик (идора) билан келишилган ҳолда тайинланади. Факультет декани ўз фаолиятида “Факультет тўғрисида”ги Низомга амал қиласди. Факультетда кенгаш ташкил этилади, Кенгашнинг таркиби, ваколатлари, шакллантириш ва фаолиятининг тартиби “Факультетнинг Кенгаши тўғрисида” ги Низом билан белгиланади.

43. Кафедра фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ танлов асосида институтнинг Кенгаши томонидан сайланадиган кафедра мудири раҳбарлик қиласди. Кафедра мудирининг ваколатлари ва кафедра фаолиятининг тартиби “Олий таълим муассасасининг кафедралари тўғрисида”ги низом асосида ва хизмат мажбуриятлари билан белгиланади.

## **VII. Молия-хўжалик фаолияти ва моддий-техник база**

44. Институтга ушбу Уставда ёназарда тутилган фаолиятни амалга ошириш ва фойдаланиш мақсадида давлат томонидан бинолар, иншоотлар, мулкий мажмуалар, институтнинг паспортига мувофиқ асбоб-ускуналар, шунингдек истеъмол, ижтимоий, маданий ва бошқа мақсадлар учун зарур бўлган мулклар бириктирилган.

Институт Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга ошириладиган давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган обьектлар қаторига киритилган. Институтга ажратилган ер участкалари муддатсиз бепул фойдаланиш учун бириктирилган.

45. Институтга жисмоний ва юридик шахслардан совға, ҳадя ёки васият бўйича берилган пул маблағлари, мол-мулк ва бошқа мулкий обьектларга, институт фаолиятининг самараси ҳисобланган интеллектуал ва ижодий маҳсулотларга, шунингдек ўз фаолияти орқали оладиган даромадлар ва бу даромадлар ҳисобидан сотиб олинадиган мулкий обьектларга эгалик қилиш хукуки берилган.

46. Институт мол-мулкни ижарага олувчи ва мол-мулкни ижарага

берувчи сифатида фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Давлат мулкини ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ институт ўзига бириктирилган ижарага берилиши қонун хужжатларига зид бўлмаган бинолар, иншоотлар ва уларнинг қисмлари, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари шаклидаги давлат мулки ва бошқа мол-мулкларни Кенгашнинг розилиги билан тасарруф этиш ҳуқуқисиз, белгиланган нархлар бўйича ижарага беришни амалга оширади.

Ижара ҳаки сифатида олинган маблағларнинг тегишли қисми таълим жараёнини ривожлантириш учун фойдаланилади.

47. Институтнинг таълим фаолиятини молиявий таъминлаш давлат грантлари асосида мутахассислар тайёрлаш учун ажратилган бюджет маблағлари, давлат томонидан белгиланган меъёрларидан келиб чиқкан ҳолда қайта тайёрлаш ва ходимларнинг малакасини ошириш ҳисобига ажратилган маблағлар, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлар, жумладан талабалар ва тингловчиларни ўқитиш учун белгиланган тартибда олинган тўлов-шартнома асосидаги маблағлар ҳамда қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

48. Институтнинг асосий фаолиятидан четланмаган тартибда таълим ва бошқа соҳаларда пуллик хизмат фаолиятини амалга ошириш мумкин. институтда шуғулланадиган тадбиркорлик фаолияти унинг уставида белгиланган вазифаларга мос келиши керак.

Институт пуллик таълим хизматлари, консультациялар ва бошқа хизматлар учун нархларни белгилаш, солиқ ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбурий тўловлардан сўнг қолган даромадни мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эга.

Институт Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда мазкур Уставга зид бўлмаган шартномаларни тузиш, мажбуриятлар ва бошқа шартларни белгилаш бўйича масалаларни мустақил ҳал қиласди.

Институт ўз мулки билан хўжалик жамиятлари ва ширкатларнинг устав жамғармасида қатнашиш, пуллик таълим хизматлари, консультациялар ва бошқа хизматлар учун нархларни белгилаш, солиқ ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбурий тўловлардан сўнг қолган даромадни мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эга.

49. Институтда лавозим маошлари меҳнат шарномаси тузилаётганда “Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида”ги норматив-хукукий хужжатларга мувофиқ белгиланади. Институт ходимига лавозим маоши, ўз функционал вазифаларни ҳамда меҳнат шартномасида

назарда тутилган ишларни бажарганлиги учун тўланади. Қўшимча маош, устама, моддий ёрдам ва бошқа моддий рағбатлантириш тадбирларининг ҳажмини институт мустақил, иш ҳақи фонди доирасида қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва ҳажмда белгилайди.

50. Институтда ташкил этилган жамоат ташкилотларига фаолият кўрсатишлари учун зарур бўлган хоналарни ажратади. Институт худудида жойлашган тиббиёт таянч маскани ҳамда талабалар, тингловчилар ва ходимларга хизмат кўрсатувчи ошхона, буфетлар ва бошқа умумий овқатланиш муассасаларига иситиш, ёритиш ва сув таъминоти билан таъминланган хоналар ажратилиди.

Институтнинг тегишли биноларини таъмирлаш, реконструкция қилиш ёки янгиларини қуриш, уларнинг молиявий таъминоти қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **VIII. Халқаро ҳамкорлик**

51. Институт Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг 33-моддасига мувофиқ таълим муаммолари юзасидан халқаро ҳамкорликда иштирок этадилар, чет давлатларнинг тегишли ўкув юртлари билан бевосита белгиланган тартибда алоқалар ўрнатиш, ҳукуқига эга.

Чет эл фуқароларини ўқитиш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, таълим муассасаси илмий-педагогик ходимларининг Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарида ўқитувчилик ва илмий-тадқиқотчилик ишлари давлатлараро органининг хорижий давлатларнинг таълимни бошқариш бўйича тегишли органлари орасидаги шартномалар, шунингдек институтнинг қонунчиликка мувофиқ чет эл фуқаролари ва хорижий юридик шахслар билан бевосита тузган шартномалари асосида амалга оширилади.

52. Институт қуйидаги ҳукуқларга эга:

-Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари деб қаралиши мумкин бўлмаган, хорижий шериклар билан ҳамкорликдаги фаолият тўғрисида белгиланган тартиб асосида шартномалар тузиш;

-хорижий ҳамкорлар иштирокида институтнинг таркибий бўлимлари (марказлар, лабораториялар, технопарклар ва бошқа бўлимлар)ни қонунчиликда кўзда тутилган тартибда ташкил этиш.

53. Институт Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ушбу Уставда назарда тутилган ва “Таълим тўғрисида”ги қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни бажаришга, шунингдек халқаро алоқаларни ривожлантиришга йўналтирилган ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш ҳукуқига эга.

## **IX. Якуний қоидалар**

54. Институт Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига белгиланган тартибда қуидагиларга жавоб беради:

- унинг ваколатига киритилган вазифаларни бажармаганлиги;
  - таълим жараёнида ўкув режа ва жадвалларга мувофиқ таълим дастурлари ҳажмини тўлиқ бажармаганлигига;
  - таълим жараёни вактида институтда таълим оловчилар ва ходимларининг хаёт хавфсизлигига;
  - таълим оловчилар ва институт ходимларининг хуқуқ ва эркинликларнинг бузилганлигига;
- Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига назарда тутилган бошқа хатти-ҳаракатларга.

55. Институт Ўзбекистон Республикаси амалдаги қарорларига мувофиқ белгиланган тартибда қайта ташкил қилиниши ёки тугатилиши мумкин.

56. Мазкур Устав Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг буйруғи билан тасдиқлангандан сўнг, ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади ва кучга киритилади.

Ушбу Уставга ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг буйруғига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУГИ**

2018 йил “19” февраль

№ 168

Тошкент ш.

Бухоро мухандислик  
технология институти  
Уставини тасдиқлаши  
хақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3290-сон қарорида белгиланган топшириклар ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Бухоро мухандислик технология институтининг Устави иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Бухоро мухандислик технология институти ректори У.Мухамедхановга:

Бухоро мухандислик технология институти Уставини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишни таъминлаш;

Уставда қайд этилган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирларини белгилаш;

Бухоро мухандислик технология институти фаолиятини мазкур Уставга мувофиқ юритилишини доимий назоратга олиш вазифалари юклатилсин.

3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил 13 январдаги Бухоро мухандислик технология институти Уставини тасдиқлаш хақида 10-сонли буйруги ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ушбу буйрук ижросини назорат килиш вазирнинг биринчи ўринбосари Д.Х.Набисев зинмасига юклатилсин.

Вазир



И.Маджидов